



Бухоро амирлиги, Хива ва Кўкон хонликлари эгаллангач, 1878 йили Россия империясининг армияси Ахалтеке воҳасидаги Кўктепа қалъасини нишонга олди. Генераллар М.Д. Скобелев, Н.П. Ломакин, Н.Н. Головачёв, Н.И. Гродеков, А.Н. Куропаткин, К.П. фон Кауфман кўмондонлиги остидаги қисмлар Кўктепани қамалга олди. Бу ерда истилочилар туркман ҳимоячиларининг қатъий қаршилигига дуч келди ва Кавказ томонга чекинишга мажбур бўлди. Ушбу енгилишдан сўнг бир йил ўтиб, 1879 йил 28 августда рус армияси яна Кўктепа устига юрди. Янада қаттарок қучларни тўплаб келган руслар олти ой давомида қалъани натижасиз қамал қилди.

Бердимуродхон, Тикма Сардор, Кўчар Сардор, Муродхон Сардор, Махтумқулихон, Нурбердихон бошчилигидаги туркманларнинг ёвмут ва така уругидан чиққан қалъа ҳимоячилари босқинчиларга ғалаба имкониятини қолдирмади. Шунда кўмондонлик янги тактикага ўтди. Қалъа девори остига ўра қазилиб, у ерга кўп миқдорда портловчи модда ўрнатилди ва тунда портлатилди. Қалъа девори ёрилди. Ёриқдан селдай оқиб қирган рус аскарлари ва қалъа ҳимоячилари ўртасида шиддатли кўча жанглари бошланиб кетди. Рус аскарлари қалъа ҳимоячиларини бешафқатларча қопиб, бурдалаб, қириб ташлаганини рус ҳарбий тарихчилари ва маҳаллий муаррихлар, жумладан, яна ўша Мухаммад Юсуфбек ибн Бобожонбек Баёний бирдай тасдиқлайди.

М.Д. Скобелевнинг «ҳарбий жасорати» ва қалъа мусоҳарасининг дахшатли оқибатлари қиргин иштирокчиларидан бири - Н.А.Куропаткин томонидан батафсил тасвирланган: «Қалъа ичига назар ташлаш дахшатли эди. Бехисоб ўликлар бир неча кундан бери уйилиб ётарди. Баъзи қулбалар мурдаларга тўлиб кетганди»[1]. Қалъадаги 40 мингдан ошиқ тинч аҳолининг тенг ярми ҳалок бўлди, ярадорлар ундан ҳам кўп эди. Голиблар эса, М.Д. Скобелевнинг буйруғига кўра, уч кун бу ваҳшийликни нишонлаб байрам қилди. Шундай қилиб 1881 йил 12 январида Кўктепа ҳам қулади.

Кўктепа ишғол этилгач, босқинчилар бутун Каспийорти ўлкасини талон-торож қилиб, ортларидан факат вайроналар, ҳамма нарсани ямлаётган олов-у кўкка ўрлаётган тутунларни қолдирди. Америкалик журналист, воқеалар иштирокчиси Мак-Гаханнинг эсдаликларига кўра:

«Эртаси куни эрталаб биз йўлимиздан чиққан ҳамма нарсага ўт қўйиб, ҳамма нарсани

йўк килиб, йўлимизда давом этдик. Биз ортимиздан тахминан уч миля кенгликдаги яп-яланг чизик тортиб бораётгандик, у ерда факат тутаб ётган кул тепаларигина колган эди. Ўт кўйиш операцияси кандай амалга оширилаётганини якиндан кўриш ниятида мен йўлнинг ўнг томонидаги барча нарсани ёкиш буйругини олган отряд билан бирга бордим. Бу иш, ўз-ўзидан тушунарлики, жирканч эди, аммо, шунга карамай, унда одамни хаяжонга келтирувчи кизикарли нарса, вайронкорлик рухига хушомад бор эдики, бу хис, афтидан, хар бир, хатто энг сокин ва маданий инсон калбида яширин сакланади...

...Биз шу тарика йўк килаётган уй-жойлар сукувати ҳаракатларимиз тўполони ва зўравонлиги билан кескин зиддият ҳосил қилар эди...

...Биз уйларда камдан-кам ҳолларда бирор нарса топардик. Озрок ошхона буюмлари, баъзан бир нечта жўжа, дарвоқе, казаклар уларни шу захотиёк тутиб олар эди, шошилиш кочиш ортидан ета олмаган қари қирчанги ёки ёш бузукча...

...Бунинг бари устида рус байроғи бўй чўзиб турарди, у тутун аро элас-элас фаркланар, эринчоклик билан ҳавода хилпираб, ушбу вайронкорлик саҳнаси узра канот қоқаётган қалхатни эслатарди»[2].

Ўша даврнинг илғор рус зиёлилари империянинг мустанлақчилиқ сиёсатини кескин қораламоқда эди. Россия ҳарбийларининг тинч аҳолига қарши бу шафқатсиз ҳатти-ҳаракатлари уларнинг қазабини қўзғитди. Буюқ рус адиби, «Уруш ва тинчлик» романи муаллифи Лев Толстой М.Д. Скобелев бошчилигидаги рус армиясининг Кўктепа ҳимоячиларига қарши уюштирган қўз қўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлари ҳақида жирқаниш ва нафрат билан ёзади[3].

Лев Толстой «оқ пошшо»нинг генерали Скобелевнинг шахсияти ва фаолиятдан шунчалар қаттиқ нафратланганидан Д.Д. Оболенский таклифига рад жавоби бериб, у билан танишишдан бош тартади[4].

Чор Россиясида Туркистонни мустанлақага айлантиришнинг тарафдорлари ҳам бор эди. Улардан бири Ф.М. Достоевский эди. Унинг ёзишича:

«Скобелевнинг галабаси бутун Осиёда, унинг энг олис бурчакларида ақс-садо беради: мана, яна бир қазабнок ва мағрур иймонли халқ оқ подшога бўйин сунди. Майли, ақс-садо берсин. Миллионлаб халқлар, Хиндистонга қадар, ҳатто Хиндистоннинг ўзида ҳам, оқ подшонинг енгилмаслиги, унинг тиги тиним билмаслигига бўлган ишонч ўсиб-унмоқда. Ахир генерал Ломакиннинг муваффақиятсизлигидан кейин бутун Осиё бўйлаб тигимизнинг енгилмаслигига бўлган шубҳа уйғонди - русларнинг мавқеи шубҳа остида қолди. Мана шунинг учун биз бу йўлда тўхтаб олмаймиз. Бу халқларнинг ўз хонлари ва амирлари бўлиши мумкин, ақлларида ва ўйларида Англия таҳдид бўлиб туриши мумкин, унинг қучидан ҳайратда қолишлари мумкин, лекин оқ подшонинг (Россия подшосининг) исми хонлар ва амирлардан устун туриши, Хинд императори (Буюқ Британия қироличаси Виктория) исмидан, ҳатто қимсан халифанинг (Усмонли давлати султони) исмидан юқори туриши лозим. Майли халифа бўлсин, лекин оқ подшо халифанинг ҳам подшосидир. Мана шундай ишончни қалбларда мустанлақлаш лозимдир! Ва у мустанлақланмоқда, йил

сайин ўсиб бормокда, ва у бизга зарурдир, зеро бу уларни келаётган воқеаларга ўргатади»[5].

Адибнинг Европада русларнинг образига берган баҳолари ҳамда Туркистонни истило этиш борасидаги мулохазалари кизиқиш уйғотади: «Европада биз сизинди ва куллар эдик, Осиёда эса хўжайинмиз. Европада биз татарлар эдик, Осиёда эса европаликмиз. Бизнинг Осиёдаги цивилизаторлик миссиямиз руҳимизни тутиб олади, бизни ҳаракат энди бошланган жойга элтиб ташлайди. Факатгина иккита темир йўл қуриш, шундан бошланг - бирини Сибирга, иккинчисини эса Ўрта Осиёга, ва сиз шу заҳотиёқ оқибатларини кўрасиз»[6].

Буюк рус ёзувчиси мутлақо ҳақ эди, маҳаллий халқлар ушбу «цивилизаторлик миссияси»нинг оқибатларини кейинги 150 йилдан ошқин давра ичида ўз қарданида синаб кўрди.

Россия империясининг босқини туфайли маҳаллий аҳоли қирлиқдан бир лаҳзада жуда бўлди, жисмонан жиддий талафот кўрди, ўз уйларини ташлаб, қотаниш ўлкаларга қочишга мажбур бўлди. Буни ўша даврнинг кўп сонли архив материалларидан, гувоҳлар ҳикояларидан, рус ҳарбий маълумотномаларидан, ўша йилларда ёзилган бадиий асарлардан билиб олишимиз мумкин[7].

Таниқли рус тарихчиси Н.И. Веселовский Россия империяси Туркистонни бўйсундиргани ҳақида шуларни ёзган:

«Мана, ҳақиқий ҳарбий бошқарув... цивилизация олиб қелдик деб ўйлаймиз, биз бўйсундирганимиз Осиё халқларига тинчлик, барқарорлик, ҳавфсизлик совға қилдик деб ўйлаймиз... Лекин яна бир олий эзгулик бор, у буларнинг қаридан юқоридир. Бу миллат, миллий туйғу... бўйсундирилган мусулмонларнинг аҳолига тушиб кўриш қарак. Сизиний ўлим оғир, миллий ўлим унданам оғир. Бизнинг ҳуқуқронлигимизда эса улар шахсизлашишга маҳкумдирлар. Миллийликни қирор-қир фаровонликка алмаштириб бўладими? Ҳуқуқронлигимизга қарши чўғ ташланиб туришидан қайрон қолиш қаракми? ... Миллий манфаатлар қор, улар халқнинг қорни тўқ, уст-қоши бут бўлса ҳам, оқ-қор, совуқда қаланғоч бўлса ҳам, ташқарига қикади»[8].

Туркистон аҳолисининг мустанлақачиларга қарши исёну қўзғолонлари маҳаллий халқ ўз давлатчилиги ва мустанлиқлигини йўқотишга осонлиқча қўнмаганидан қаллат беради. Улар бу қадриятлари учун энг қиммат қарсалари - қонларини тикқан эди. XIX аср охирида Туркистон Россия империясидаги миллий-озодлик қаракатининг марказларидан қирига айланди.

Мустанлақачиларга қарши қикишлар Туркистон халқларининг ўз давлатчилиги ва эркини қадрлаши, уни йўқотмаслик учун қонини ҳам қеришга тайёрлигини, мустанлиқлигини йўқотилганидан қаттиқ қорози эканлигини ққол кўрсатди. «Ўз ихтиёри билан қўшиб олинған» деган 150 йиллиқ иддаонинг ёлгонлиги, исёнқилар қони билан сугориқиб, қони билан мустанқамланған афсонадан ўзга қарса эмаслигини исботлади. Туркистон ўлкаси генерал-губернаторларидан қирини А.Н. Куропатқини ҳам: «Биз 50 йил давомидида маҳаллий

халкни тараккиётдан, мактаблардан, рус хаётидан узок тутдик... афсуски, биз бегоналарни императорнинг садокатли хизматкорларига айлантира олмадик...»[9] дея таъкидлаган эди.

Россия империяси Туркистонга асосан хомашё ва инсоний ресурсларга эга бўлиш ниятида бостириб кирган. Махаллий аҳоли русларга киёсланганда мутлако ҳуқуқсиз, арзон ва хатто бепул ишчи кучи эди. Юкорида Россия империясининг енгил саноати хомашёга ўткир муҳтож бўлганини айтган эдик. Урушлар олиб бориш учун яна порох, ҳарбий кийим-кечак ҳам керак эди. Бу муаммоларга баракатли ўлканинг қўшиб олиниши барҳам берди — энди Россия империяси бу ерда истаганча майдонга пахта экиши, истаган миқдорда порох ва кийим-кечак хомашёсини олиб кетиши мумкин эди.

ХУЛОСА

Туркистон истилосидан сўнг бу ўлка Россия империясининг ҳаракатлари давлат сиёсатида тўғри келмайдиган амалдорлар сургун қилинадиган ўзига хос масканга ҳам айлантирилди. Туркистонга асосан диний бузгунчиликда айбланган старовер (эски акидали) оқимидаги казаклар, рус империяси тартиб-қоидаларидан норозилар жўнатиларди. Россия ҳукумати бу «бошогриклар»дан шу йўл билан кутуларди.

Ўша даврда империяда кашшок, жудоликларга учраган, ўзига иш тополмаётганлар жуда кўпчиликни ташкил қиларди. Айнан мана шу крепостнойликдан (қуллик) озод қилиниб, ер-мулксиз қолган крестьянларнинг болалари-ю набиралари ҳамда жиноий қатлам вакиллари Туркистонга қўчирилиб, янги ерлар билан таъминланар эди.

Дастлаб чор Россияси, кейин советларнинг тажовузкор сиёсати Марказий Осиё халқларининг мустамлакачи ҳокимиятга қаттиқ қаршилиқ кўрсатиши ва миллий озодлик ҳаракати бошланишига олиб келди. Бу курашларни юзага келтирган ягона сабаб эса босқинчиларнинг Марказий Осиёга «хўжайин» бўлиш, махаллий аҳолига эса инсоний захира дебгина қараш ва Туркистоннинг моддий бойликларга эга чиқишдай сурбетларча мақсади эди.

Шухрат БАРЛОС

- [1] Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия боскини даврида. Андижон: «Мерос», 1995. Б.42-43.
- [2] Мак-Гахан Януарий Алоизий. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. Часть IV. Картина войны. М.: Университетская типография, 1875.
- [3] Гусев И.Н. Лев Николаевич Толстой. Материалы к биографии с 1870 по 1881 год. М., Изд-во АН СССР, 1963, Б 309.
- [4] Оболенский Д. Д., «Отрывки»-«Международный толстовский альманах», составленный Сергеев П., изд. «Книга». М. 1909, Б.244
- [5] Достоевский Ф.М. Полное собрание сочинений в тридцати томах. Изд-ва «Наука» Ленинградское отделение, Ленинград, 1984. Т. 27, Б.32-33.
- [6] Уша асарда. Достоевский Ф.М., Б.36-37.
- [7] «Туркестанский край. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края», т. XVII, ч. 2, Б.21-27. Донесение Черняева Дюгамелю от 8. VIII. 1864.; Южаков Ю.Д. Шестнадцатилетняя годовщина взятия Ташкента. Спб., 1881.
- [8] ЦГАЛИ РФ, ф. 118, оп. 1, д. 1205, лл. 89-90 (Дневник научной поездки в Туркестанский край, 1885г.).
- [9] Хасаний Мажид. Юрт бўйнидаги килич ёки истило.-Т., 1997. Б.86.